

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**451** Ўзбекистон Республикаси ва «Союзнефтегаз Восток Лимитед» компанияси ўртасида 2007 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикасининг Жанубий-Фарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конларга нисбатан Маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида Нефть ва Газ конденсатини қазиб олиш бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун (роялти) солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2277*

*(2011 йил 21 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва «Союзнефтегаз Восток Лимитед» компанияси ўртасида 2007 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикасининг Жанубий-Фарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конларга нисбатан Маҳсулотни тақсимотига оид битимга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси ва «Союзнефтегаз Восток Лимитед» компанияси ўртасида 2007 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикасининг Жанубий-Фарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конларга нисбатан Маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида Нефть ва Газ конденсатини қазиб олиш бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун (роялти) солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2011 йил 27 сентябрь,  
24-сон

**Р. АЗИМОВ****Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2011 йил 27 сентябрь,  
2010-47-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2011 йил 27 сентябрдаги  
24, 2010-47-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ва «Союзнефтегаз Восток  
Лимитед» компанияси ўртасида 2007 йил 23 январдаги  
Ўзбекистон Республикасининг Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва  
Устюрт минтақаси худудларидаги конларга нисбатан Маҳсулот  
тақсимотига оид битим доирасида Нефть ва Газ конденсатини  
қазиб олиш бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун (роялти)  
солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон (I)), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва «Союзнефтегаз Восток Лимитед» компанияси ўртасида 2007 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикасининг Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси худудларидаги конларга нисбатан Маҳсулот тақсимотига оид битим (кейинги ўринларда МТБ деб юритилади) доирасида Ўзбекистон Республикасининг Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси худудларидаги Нефть ва Газ конденсатини қазиб олиш бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун (роялти) солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини белгилайди.

## I. Умумий қоида

1. Мазкур Низомда фойдаланадиган бош ҳарф билан берилган тушунчалар, агар мазкур Низомда бошқача ҳол тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса, МТБда белгиланган маънони англатади.

## II. Солиқ тўловчилар

2. Нефть ва Газ конденсатига нисбатан ер қаъридан фойдаланганлик (роялти) учун солиқ тўловчи бўлиб Инвестор ҳисобланади. Бунда ер қаъридан фойдаланганлик учун (роялти) солиқни Инвесторнинг вакиллари — Маркетинг компанияси ёки МТБга мувофиқ ваколатга эга бўлган бошқа шахслар тўлашлари мумкин.

## III. Солиқ солиш объекти. Солиқ солинадиган база

3. Нефть бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун (роялти) солиқ солиш объекти бўлиб МТБ шартларига кўра, МТБнинг 11.9 бўлимида белгилаб берилган тегишли нефть конларидаги нефтни тайёрлаш қурилмаларининг чиқиш жойида ўлчов боғламаларидаги нефть ҳажми ҳисобланади.

4. Газ конденсати бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун (роялти) солиқ солиш объекти бўлиб МТБ шартларига кўра, МТБнинг 11.9 бўлимида белгилаб берилган газни дастлабки тайёрлаш қурилмаларининг чиқиш жойида, шунингдек Шўртон газ-кимё комплексидаги қуйиш эстакадасидаги ўлчов боғламаларидаги Газ конденсатининг ҳажми ҳисобланади.

5. Нефть ва/ёки Газ конденсатини уларга қайта ишлов берилмасдан сотилган ҳолда тегишли ҳажмлар бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун (роялти) солиқни ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 43-боби ва МТБнинг 11.9 бўлимига мувофиқ амалга оширилади. Бунда солиқ солинадиган базани аниқлаш учун МТБнинг 11.9 бўлимига мувофиқ Етказиб бериш пунктидаги ҳисобланган Нархдан фойдаланилади.

6. Агар МТБ доирасида қазиб олинган Нефть ва/ёки Газ конденсати кейинчалик қайта ишланган маҳсулот (кейинги ўринларда Нефть маҳсулотлари деб юритилади) сотилиши билан хом ашё бериш асосида қайта ишланса, солиқ солинадиган базани аниқлаш учун «орқага қайтиш» («Netback») принципига асосланиб аниқланадиган Нефть ва/ёки Газ конденсатини Етказиб бериш пунктидаги ҳисобланган Нарх қўлланилади.

Нефть маҳсулотлари сотилаётганда солиқ солинадиган базани аниқлаш учун Етказиб бериш пунктидаги Ҳисоб-китоб нархи (кейинги ўринларда «Netback» нарх деб юритилади) қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{ЕПҚН} = \text{СНҚҚ} / \text{ФНФҚ}, \text{ бу ерда:}$$

ЕПҚН — Нефтьга маҳсулотларини сотишда солиқ солинадиган базани аниқлаш учун Етказиб бериш пунктидаги ўртача ҳисоб-китоб нархи;

СНХҚ — Нефть маҳсулотларини қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларнинг ҳисобот даври учун қуйидагиларни чиқариб ташланган ҳақиқий қиймати:

ушбу Нефть маҳсулотларини сотишга қилинган Сарф-харажатлар (МТБнинг 13.3 бўлимида кўрсатилган таърифга асосан Нефть ва Газ конденсатини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларини Етказиб бериш пунктидан Сотиш пунктигача етказиб бериш учун қилинган харажатлар);

тегишли Нефть маҳсулотларини олишда (техник шартлар, қонун ҳужжатларининг талаблари ва ҳоказоларга кўра) муқаррар юзага келадиган Нефть ёки Газ конденсатини Етказиб бериш пунктидан сотиш учун мўлжалланган Нефть маҳсулотларини Етказиб бериш пунктигача етказиб бериш учун қилинган сарф-харажатлар, шу жумладан, лекин чекланмаган ҳолда: юклаш харажатлари, транспортда ташиш, қайта ишлаш, шунингдек намуналар таҳлили, Нефть ёки Газ конденсати ва Нефть маҳсулотларининг сифат ва миқдорини аниқлаш бўйича харажатлари;

ФНФХ — ҳисобот даврида сотилган Нефть маҳсулотларининг тегишли ҳажмини тайёрлаш учун фойдаланилган Нефть ва Газ конденсатининг, Нефть ва/ёки Газ конденсатини Етказиб бериш пунктидан бошлаб технологик харажат ва Нефть ва Газ конденсатининг йўқотилишини ҳисобга олган ҳолдаги умумий физик ҳажми.

7. Ҳар бир ҳисобот даврида ер қаъридан фойдаланганлик учун (роялти) солиқни ҳисоблаш ҳисобот даврида Нефть ва/ёки Газ конденсатининг сотиладиган ҳажмларини Етказиб бериш пунктидаги Нефть ва/ёки Газ конденсатининг нархи ва йил бошидан ҳисобот даврининг якунигача қайта ишлашга жўнатишган Нефтьнинг «Netback» нархи ва/ёки Газ конденсатини «Netback» нархи бўйича сотишнинг ўртача нархи бўлган ҳисоб-китоб нархи бўйича амалга оширилади.

Нефть маҳсулотларининг биринчи сотилиши амалга оширилган ҳисобот даврида ҳисоб-китоб «Netback» нархи Қазиб олиш бошланишидан ҳисобот даврининг якунига қадар Нефть ва Газ конденсатининг қазиб олинган (чиқариб олинган) ва қайта ишлашга юборилган ҳажмига нисбатан қўлланади.

8. Агар ҳисобот даврида сотилиши назарда тутилган Нефть ва Газ конденсати, шунингдек уларнинг Нефть маҳсулотлари сотилмаган бўлса, қазиб олинган (ишлаб чиқарилган) Нефть ва/ёки Газ конденсатининг сотилмаган қисми учун ер қаъридан фойдаланганлик учун (роялти) солиғини солиш мақсадида солиқ солинадиган база, Нефть ва/ёки Газ конденсати ёки Нефть маҳсулотлари сотилган сўнгги ҳисобот давридаги ҳисоб-китоб нархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

#### **IV. Солиқ даври. Ҳисобот даври**

9. Солиқ даври бўлиб календарь йил ҳисобланади.

10. Ҳисобот даври бўлиб ой ҳисобланади.

## V. Солиқ ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлаш тартиби

11. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби, Инвестор ёки Оператор рўйхатга олинган жойдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати органларига ўсиб борувчи якун билан ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса — йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 29 декабрдаги 111-сон, 2007-66-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида» (рўйхат рақами 1760, 2008 йил 21 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 3-4-сон, 15-модда) қарорининг 5-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этилади.

12. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби шаклини тўлдириш тартиби мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган.

13. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришнинг шартли намунаси мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган.

14. Ер қаъридан фойдаланганлик учун (роялти) солиқни тўлаш ҳисоб-китобни тақдим этишдан кеч бўлмаган муддатда амалга оширилади.

## VI. Якуний қоидалар

15. Инвестор ер қаъридан фойдаланганлик учун (роялти) солиқнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва МТБга мувофиқ жавобгар бўлади.

16. Ер қаъридан фойдаланганлик учун (роялти) солиқнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ва «Союзнефтегаз Восток Лимитед» компанияси ўртасида 2007 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикасининг Жанубий-Гарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конларга нисбатан Маҳсулот тақсимотида оид битим доирасида Нефть ва Газ конденсатини қазиб олиш бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун (роялти) солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби  
шаклини тўлдириш  
ТАРТИБИ**

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби иловасида қуйидагилар кўрсатилади:

010 графасида — тайёр маҳсулотнинг номланиши — Нефть ва/ёки Газ конденсати;

020 графасида — ҳисобот даврида қазиб олинган Нефть ёки Газ конденсатининг умумий ҳажми, тоннада;

030 графасида — сотилиши мўлжалланган (режалаштирилган) қазиб олинган Нефть ёки Газ конденсатининг ҳажми, ушбу ҳажм Нефть учун мазкур Низомнинг 3-бандига кўра, Газ конденсати учун — 4-бандига кўра аниқланади.

050 графасида — 1-формула билан ҳисобланадиган ҳисобот даврида сотилган Нефть ёки Газ конденсатининг натурал кўринишдаги ҳақиқий ҳажми, тонналарда:

(1-формула)

$$V_{\text{сот.}} = V_{\text{сот. Нефть/Газ конд.}} + V_{\text{н/м.сот. Нефть/Газ конд.}} \text{ бу ерда:}$$

$V_{\text{сот.}}$  — ҳисобот даврида сотилган Нефть ёки Газ конденсатининг натурал кўринишдаги ҳақиқий ҳажми;

$V_{\text{сот. Нефть/Газ конд.}}$  — Нефть ва Газ конденсатини ҳисобот даврида Етказиб бериш пунктида сотилган ҳажми (тн);

$V_{\text{н/м.сот. Нефть/Газ конд.}}$  — Нефть маҳсулотларининг ҳисобот даврида сотилган ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда 2-формула ёрдамида ҳисобланган Нефть ва Газ конденсати ҳажми (тн);

(2-формула)

$$V_{\text{н/м.сот. Нефть/Газ конд.}} = V_{\text{сот. н/м.}} / \left( \frac{V_{\text{н/маҳсулотлари}}}{V_{\text{нефть қайт. иш./Газ конд. қайта иш.}}} \right) \text{ бу ерда:}$$

$V_{\text{сот. н/м}}$  — ҳисобот даврида сотилган Нефть маҳсулотларининг ҳажми (тн);  
 $V_{\text{н/маҳсулотлари}}$  — ҳисобот даврида сотишга мўлжалланган ва солиқ даврининг бошланишига Нефть маҳсулотларининг қолдиғи билан бирга ҳисобга олинган тайёрланган Нефть маҳсулотларининг ҳажми (тн);

$V_{\text{нефть қайта иш./Газ конд. қайта иш.}}$  — ҳисобот даврида қайта ишлашга жўнатилган Нефть ёки Газ конденсатининг ҳажми (тн).

060 графасида — 3-формула билан ҳисобланадиган 050 графада кўрсатилган Нефть ва Газ конденсати ҳажмлари сотилишидан тушадиган соф тушумлар (сўмда):

(3-формула)

$$S_{\text{сот.}} = S_{\text{сот. Нефть/Газ конд.}} + S_{\text{Netback}} \text{ бу ерда:}$$

$S_{\text{сот. Нефть/Газ конд.}}$  — ҳисобот даврида Етказиб бериш пунктида сотилган Нефть ёки Газ конденсатининг нархи (сўмда);

$S_{\text{Netback}}$  — Етказиб бериш пунктида «орқага қайтиш» («Netback») принципига асосан 4-формула ёрдамида аниқланадиган Нефть ёки Газ конденсатининг ҳисобланган нархи:

(4-формула)

$$S_{\text{Netback}} = S_{\text{сот. н/маҳсулотлари}} - C_{\text{қайта ишлаш харажатлари}} - C_{\text{сот. харажатлари}} \text{ бу ерда:}$$

$S_{\text{сот. н/маҳсулотлари}}$  — ҳисобот даврида сотилган Нефть маҳсулотларининг нархи (сўм);

$C_{\text{сот. харажатлари}}$  — ҳисобот даврида ушбу Нефть маҳсулотларини сотиш учун сарфланган харажатлар (МТБнинг 13.3 бўлимида кўрсатилган таърифга асосан Нефть маҳсулотларини Етказиб бериш пунктдан Сотиш пунктигача етказиб бериш учун қилинган харажатлар) суммаси (сўм);

$C_{\text{қайта ишлаш харажатлари}}$  — 5-формула билан ҳисобланадиган муайян Нефть маҳсулотларини олишда (техник шартлар, қонун ҳужжатларининг талаблари ва ҳоказоларга кўра) муқаррар юзага келадиган Нефть ёки Газ конденсатини Етказиб бериш пунктдан сотиш учун мўлжалланган Нефть маҳсулотларини Етказиб бериш пунктигача қилинган сарф-харажатлар суммаси, шу жумладан, лекин чекланмаган ҳолда: юклаш харажатлари, транспортда ташиш, қайта ишлаш, шунингдек намуналар анализи, Нефть ёки Газ конденсати ва Нефть маҳсулотларининг сифат ва миқдорини аниқлаш билан боғлиқ харажатлар:

(5-формула)

$$V_{\text{нефть қайта иш. / Газ конденсати}} \times \frac{C_{\text{қайт.иш. харажатлари}}}{C_{\text{жами қайта иш. харажатлари}}} = \frac{C_{\text{жами қайта иш. харажатлари}}}{V_{\text{Нефть маҳс. сотиш Нефть/Газ конденсати}}} \text{ бу ерда:}$$

$S_{\text{жами кайта иш. харажатлари}}$  — ҳисобот даври учун юклаш, транспортда ташиш, кайта ишлаш харажатлари, шунингдек намуналар анализи, Нефть ёки Газ конденсати ва Нефть маҳсулотларининг сифат ва миқдорини аниқлаш билан боғлиқ харажатлар суммаси (сўм);

$V_{\text{нефть кайта иш./Газ конденсати кайта иш.}}$  — ҳисобот даврида кайта ишлаш учун юборилган Нефть ёки Газ конденсатининг ҳажми (тн);

$V_{\text{Нефть махс. сотиш Нефть/Газ конденсати}}$  — ҳисобот даврида сотилган Нефть маҳсулотларининг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда 2-формулага асосан ҳисоблаб чиқилган Нефть ёки Газ конденсатининг ҳажми (тн);

070 графаси — 060 графасидаги қийматни 050 графасидаги сўмда берилган қийматга бўлиниб топиладиган Нефть ёки Газ конденсати бирлигини (1 тонна ёки 1 м куб. учун) ўртача сотилиш нархи;

090 графасида — 100 ва 110 графаларидаги кўрсаткичларни тегишли сатрлар бўйича қўшиш йўли билан аниқланадиган Нефть ва Газ конденсати бўйича алоҳида солиқ солинадиган базанинг якуний суммаси. Ушбу графадаги қийматлар ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобининг 020 графасининг тегишли сатрига кўчирилади;

100 графасида — сотилиши кўзда тутилган Нефть ёки Газ конденсатининг казиб олинган ҳажмига боғлиқ равишда ҳисобланган солиқ солинадиган база (сўмда) (030 графаси  $\times$  070 графасига).



Ўзбекистон Республикаси ва «Союзнефтегаз Восток Лимитед» компанияси ўртасида 2007 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикасининг Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси худудларидаги конларга нисбатан Маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида Нефть ва Газ конденсатини қазиб олиш бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун (роялти) солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

### Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришнинг ШАРТЛИ НАМУНАСИ

Ҳисобот даври учун бошланғич маълумотлар:

Нефтни тайёрлаш қурилмасидаги нефть ҳажми — 100 тн;

Нефтни тайёрлаш қурилмасидаги сотилган нефть ҳажми — 30 тн;

Нефтни тайёрлаш қурилмасидаги қайта ишлашга юборилган нефть ҳажми — 70 тн;

Ишлаб чиқарилган нефть маҳсулотларининг ҳажми — 63 тн;

Етказиб бериш пунктида сотилган нефть нархи — 3 000 000 сўм;

Сотилган нефть маҳсулотларининг ҳажми — 30 тн;

Сотилган нефть маҳсулотларининг нархи — 6 000 000 сўм;

Сотишдаги сарф-харажатлар — 6 000 сўм;

Нефтни транспортда ташиш ва қайта ишлаш сарф-харажатлари — 2 800 000 сўм;

Аввалги ҳисоб-китоб бўйича аниқланган солиқ суммаси — 1 820 000 сўм;

Тайёр маҳсулотнинг номланиши	Қазиб олиш ҳажми, т, м <sup>3</sup>			Сотиш ҳажми			Ўз эҳтиёжлари учун фойдаланадиган тайёр маҳсулотнинг таннархи	Солиқ солинадиган база		
	жами	шу жумладан		натурал кўринишда (т, м <sup>3</sup> )	пул кўринишида (сўм)	ўртача сотиш нархи (060 гр. / 050 гр.)		жами	шу жумладан	
		сотиш учун	Ўз эҳтиёжлари учун						сотиш учун	Ўз эҳтиёжлари учун
010	020	030	040	050	060	070	080	090	100	110
<b>Нефть</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	—	<b>63,333</b>	<b>7 660 680</b>	<b>120 958,74</b>	—	<b>12 095 874,00</b>	<b>12 095 874,00</b>	—

020 графаси: 030 графаси + 040 графаси;

030 графаси: солиқ даврининг бошланишидаги нефтни тайёрлаш қурилмасида нефть ҳажми — 100 тн;

040 графаси — йўқ;

050 графаси —  $V_{\text{сот. Нефть/Газ конд.}} = V_{\text{сот. Нефть/Газ конд.}} + V_{\text{н/м.сот. Нефть/Газ конд.}} = 30 \text{ тн} + 33,333 \text{ тн} = 63,333 \text{ тн}$ , бу ерда:

$$V_{\text{сот. Нефть/Газ конд.}} = 30 \text{ тн};$$

$$V_{\text{н/м.сот. Нефть/Газ конд.}} = V_{\text{сот. н/м.}} / (V_{\text{н/м.}} / V_{\text{Нефть қайта иш./Газ қайта иш.}}) = 30 / (63 / 70) = 33,333 \text{ тн};$$

060 графаси:  $S_{\text{сот.}} = S_{\text{сот. Нефть/Газ конд.}} + S_{\text{Netback}} = 3\,000\,000 \text{ сўм} + 4\,660\,680 \text{ сўм} = 7\,660\,680 \text{ сўм}$ , бу ерда:

$$S_{\text{сот. Нефть/Газ конд.}} = 3\,000\,000 \text{ сўм};$$

$$S_{\text{Netback}} = S_{\text{сот. н/м}} - C_{\text{сот. харажатлари}} - C_{\text{қайта ишлаш харажатлари}} = 6\,000\,000 \text{ сўм} - 6\,000 \text{ сўм} - 1\,333\,320 \text{ сўм} = 4\,660\,680 \text{ сўм},$$

бу ерда:

$$C_{\text{сот. харажатлари}} = 6\,000 \text{ сўм};$$

$$C_{\text{қайт.иш. харажатлари}} = C_{\text{жами қайта иш. харажатлари}} / V_{\text{нефть қайта иш./Газ конденсати қайта иш.}} \times V_{\text{Нефть маҳс. сотиш Нефть/Газ конденсати.}} = 2\,800\,000 \text{ сўм} / 70 \text{ тн} \times 33,333 = 1\,333\,320 \text{ сўм};$$

070 графаси: 060 графаси / 050 графаси = 7 660 680 / 63,333 тн = 120 958,74 сўм;

090 графаси: 100 графаси + 110 графаси = 12 095 874,00 сўм;

100 графаси: 020 графаси x 070 = 100 тн x 120 958,74 сўм = 12 095 874,00 сўм.

### Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҲИСОБ-КИТОБИ

Тайёр маҳсулотнинг номланиши	Солиқ солинадиган база (ҳисоб-китобга илованинг 090 гр.)	Солиқ ставкалари, %	Ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳисобланган солиқ суммаси	Аввалги ҳисоб-китоб бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммаси (аввалги ҳисоб-китобнинг 040 гр.)	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммаси (040 гр. – 050 гр.)	
					қўшимча тўлашга	камайтиришга
010	020	030	040	050	060	070
<b>Нефть</b>	<b>12 095 874,00</b>	<b>20</b>	<b>2 419 174,80</b>	<b>1 820 000</b>	<b>599 174,80</b>	—

Изоҳ: НКЗда қайта ишланадиган хом ашёдан чиқадиган Нефть маҳсулотлари ҳажмлари икки томонлама хом ашёни қайта ишлаш далолатномаси билан тасдиқланади.